



ГЕНДЕР СТЕРЕОТИПЛАРИ ВА ЭРТА ТРАВМАЛАР:
“ҚИЗ БЎЛДИ — ЎҒИЛ БЎЛДИ” МУНОСАБАТИНИНГ
ПЕРИНАТАЛ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Рахимова Дилдора Холмуратовна

Profi University, педагог-психология йўналиши

сиртқи таълим, 5-босқич талабаси

КИРИШ

Ҳозирги кунда жамиятда гендер тенглик масалаларига бўлган эътибор ортиб бораётган бўлса-да, оила муҳотида шаклланадиган гендер стереотиплари ҳанузгача фарзанд тарбиясига кучли таъсир кўрсатиб келмоқда. Айниқса, боланинг жинсига нисбатан билдириладиган “қиз бўлди” ёки “ўғил бўлди” каби муносабатлар нафақат ижтимоий, балки психологик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар кўп ҳолларда онгсиз равишда шаклланиб, боланинг эрта психоэмоционал ривожланишида муайян из қолдиради.

Перинатал психология нуқтаи назаридан қаралганда, боланинг психик ривожланиши фақат туғилгандан кейин эмас, балки ҳомиладорлик давридаёқ бошланади. Она томонидан ҳис этилаётган эмоционал ҳолат, кутилмалар, хавотир ёки қониқмаслик ҳислари ҳомила психикасига таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан, боланинг жинсига нисбатан мавжуд ижтимоий ва оилавий стереотиплар эрта травматик тажрибаларнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур мақолада гендер стереотипларининг перинатал даврда қандай шаклланиши, “қиз бўлди — ўғил бўлди” муносабати орқали бола психикасида эрта травмаларнинг юзага келиши ҳамда бу ҳолатнинг кейинги хулқ-атвор ва шахсий ривожланишга таъсири илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинади.



ГЕНДЕР СТЕРЕОТИПЛАРИ ВА ПЕРИНАТАЛ ПСИХОЛОГИЯ

Гендер стереотиплари жамиятда аёл ва эркакка нисбатан шаклланган анъанавий қарашлар, кутилмалар ва ижтимоий роллар мажмуини ифодалайди. Ушбу стереотиплар кўп ҳолларда боланинг туғилишидан олдинёқ, ота-она ва яқин атроф муҳити томонидан шакллантирилади. “Ўғил бола кучли бўлиши керак”, “қиз бола итоаткор бўлиши шарт” каби қарашлар бола шахсияти ривожланишида муайян чекловларни юзага келтиради.

Перинатал психология таълимотига кўра, ҳомиладорлик даврида она ва бола ўртасида кучли психоэмоционал боғланиш мавжуд бўлади. Она ҳиссий ҳолатидаги ҳар қандай ўзгариш — қувонч, хавотир, кўрқув ёки қоникмаслик — бола томонидан онгсиз равишда қабул қилинади. Айниқса, боланинг жинсига нисбатан кутилмалар ва унга боғлиқ ижтимоий босим она эмоционал ҳолатига таъсир кўрсатиб, болада эрта психологик из қолдириши мумкин.

Агар ҳомиладорлик даврида ўғил бола кутилиб, қиз фарзанд туғилишига нисбатан ички қаршилик ёки қоникмаслик мавжуд бўлса, бу ҳолат болада “қабул қилинмаслик” тажрибасини шакллантириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай эрта тажрибалар кейинчалик боланинг ўз-ўзини баҳолаши, гендер идентификацияси ва ижтимоий муносабатларга киришишида муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

“ҚИЗ БЎЛДИ — ЎҒИЛ БЎЛДИ” МУНОСАБАТИ ВА ЭРТА ПСИХОЛОГИК ТРАВМАЛАР

Оила муҳитида боланинг жинсига нисбатан билдириладиган муносабатлар кўп ҳолларда ижтимоий анъаналар ва гендер стереотиплари билан боғлиқ бўлади. Айрим оилаларда ўғил фарзанд кутилишининг устуворлиги ёки қиз боланинг камроқ қадрланиши ҳолатлари ҳомиладорлик давридаёқ намоён бўлади. Бу каби муносабатлар кўпинча очик айтилмаса-да, она ҳиссий ҳолати орқали болага узатилади.

Перинатал психология нуқтаи назаридан қаралганда, ҳомила онгли фикрлаш қобилиятига эга бўлмаса-да, эмоционал ахборотни қабул қилишга



тайёр бўлади. Онда мавжуд бўлган қоникмаслик, афсус ёки ички қаршилик ҳисси бола психикасида “шартли қабул қилинишим керак” деган онгсиз тажриба шаклланишига олиб келиши мумкин. Натижада бола кейинги ривожланиш босқичларида ота-онанинг кутилмаларига мослашишга ҳаракат қилади.

“Қиз бўлди — ўғил бўлди” муносабатидаги салбий ёки шартли қабул болада гендер идентификациясига оид ички конфликтларни юзага келтиради. Айрим ҳолларда қиз болалар онгсиз равишда “ўғил болага хос” хулқ-атвор намоён этиб, фаоллик, қаттиққўллик ёки эмоционал ёпиқлик орқали қабул қилинишига интилади. Бу эса гендер стереотипларининг эрта травматик омилга айланиши мумкинлигини кўрсатади.

ШАХСИЙ КОНСУЛЬТАЦИЯ АМАЛИЁТИДАН ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ

Шахсий психологик консультация жараёнларида гендер стереотиплари ва эрта травмалар ўртасидаги боғлиқликни яққол намоён этувчи ҳолатлар кузатилади. Хусусан, бир ҳолатда она психологга мурожаат қилиб, қиз фарзандининг “ўғил болага ўхшаб қолгани”, “қиз болага хос хулқ-атвордан асар ҳам йўқлиги”дан норозилигини билдирган.

Сухбат жараёнида маълум бўлишича, ҳомиладорлик даврида оилада ўғил бола кутилиш кутилмаси мавжуд бўлган. Қиз фарзанд туғилишига нисбатан онада онгсиз равишда қоникмаслик ҳисси шаклланган. Психологик таҳлил натижасида қиз болада кузатилаётган хулқ-атвор хусусиятлари онгли танлов эмас, балки она томонидан қабул қилинишига бўлган чуқур онгсиз эҳтиёж экани аниқланган.

Боланинг “ўғил болага хос” ролни қабул қилиши унинг ички “мени шундай бўлсам, мени қабул қилишади” деган онгсиз хулосаси билан боғлиқ бўлган. Бу ҳолат болалик давридаги эрта травматик тажрибаларнинг кейинги шахсий ривожланишга қандай таъсир кўрсатишини кўрсатиб беради.

НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ



John Bowlby'нинг боғланиш назариясига кўра, бола учун эрта қабул қилиниши ва эмоционал хавфсизлик ҳисси шахсий ривожланишнинг асосий шарти ҳисобланади. Агар бола ўзини шартли равишда қабул қилинган деб ҳис этса, унда хавотир, ўз-ўзини паст баҳолаш ва ички конфликтлар шаклланиши мумкин.

Donald Winnicott таълимотида таъкидланган “етарлича яхши она” тушунчаси боланинг ҳақиқий “Мен”ини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Она томонидан қабул қилинмаган ёки шартли қабул қилинган бола ўз ҳақиқий эҳтиёжларини яширишга мажбур бўлади. Alice Miller эса бундай ҳолатларни болалик давридаги яширин травмалар манбаи сифатида таърифлайди.

ХУЛОСА. Хулоса қилиб айтганда, гендер стереотиплари, айниқса боланинг жинсига нисбатан билдириладиган “қиз бўлди — ўғил бўлди” муносабатлари перинатал ва эрта болалик даврида психологик травмаларнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай травмалар боланинг гендер идентификацияси, хулқ-атвори ва ўз-ўзини баҳолашига салбий таъсир кўрсатади.

ПСИХОЛОГИК ТАВСИЯЛАР. Ота-оналарда ҳомиладорлик давридан бошлаб онгли қабул муносабатини шакллантириш Гендер стереотипларига асосланган кутилмаларни камайтириш Перинатал даврда психологик қўллаб-қувватлаш ишларини олиб бориш. Мактаб ва оила психологлари томонидан эрта профилактик ишлар ташкил этиш

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Bowlby J. Attachment and Loss. — London, 1988.

Winnicott D. The Maturation Processes and the Facilitating Environment. — New York, 1971.

Miller A. The Drama of the Gifted Child. — New York, 1997.

Bem S. Gender Schema Theory. — 1993.

Oakley A. Sex, Gender and Society. — London, 1985.